

## **ЁШЛАР ЎРТАСИФА СОДИР БЎЛАЙОТГАН ЖИНСИЙ ЗЎРАВОНЛИКЛАРДА ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧУВЧИ ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВЛАРИ**

**К.И.Холматова, Ж.К.Курмашева, И.Н.Тошбоев**

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сурхондарё филиали  
давлат экспертлари

Бугунги кунда юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол инсон қилиб йетиштириб чиқиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан берилган фармонга асосан, кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Яратилган шароитлардан тўғри фойдаланган ёшларимиз давлатимиз байроғини жаҳон ареналарда ко ўқларга кўтармоқда. Айрим ёшларимиз томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳам учрамоқда.

Барчамизга маълумки, жиноятларни содир этилиши шароитлари ва бошқа ҳолатларини аниқлаш учун экспертиза хулосалари жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан қонунчилигимизда экспертиза соҳасини тартибга солувчи бу қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, экспертиза тайинлаш, уни ўтразиш тартиби аниқ белгиланган.

Бинобарин жиноят содир этилган ва унга гумон қилинаётган жойларга ашёвий далилларни ўта синчковлик билан кўздан кечириш, уни мавжуд стандартлар асосида сифатли бажарилишини таъминлаш суриштирув (тергов) ходимларининг, шунингдек, воқеа жойида мутахассис сифатида иштирок этаётган экспертларнинг устувор вазифаларидан биридир.

Сурхондарё вилоятида содир этилган кўплаб қотилликлар, ўғрилиқ, тан жароҳатлари, номусга тегиш ва номусга тажовус жиноятларини очишда ҳуқуқ-тартибот органлари ишида филиалимиз лаборатория бўлимлари фаолияти алоҳида аҳамиятга егадир.

Чунончи, филиалнинг суд-биология бўлимида биологик изларни аниқлаш бўйича экспертиза ишларини амалга оширишдан иборат. Асосийси, бўлимда жиноят изларини аниқлашда енг самарали лаборатория усулларидан фойдаланилади. Ушбу суд-биология бўлимига суд, тергов, суруштирувчи орган ходимлари томонидан тақдим этиладиган иш материаллари бўйича маълумотлар ва биообъектлар суд биологик экспертиза текширувлари ўтказилади.

Айни жараёнда баъзи жиноят турларининг, жумладан, номусга тегиш, номусга тажовус, тан жароҳатлари жиноятлари содир этилганлик ҳолатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Филиалимизга номусга тегиш, номусга тажовус жинояти бўйича жами ИИБ органлари томонидан тақдим етилган 6 ой ичида содир етилган 20 дан ортиқ жинойи ишлар бўйича қарорлар тақдим қилинган бўлса, уларнинг 14 та ҳолатларда ёшлар томонидан жиноят содир етилганлиги ўз тасдиғини топган.

Ушбу жиноятлар текширувида вилоят миқёсида туман ва туманлараро суд экспертиза бўлимлари томонидан жабирланувчи ва гумонланувчи шахслар, 2025 йилдавомида жами 13 та биоажратмакар, яъни жинсий аъзоларидан тақдим қилинган суртмалар асосида номусга тегиш, номусга тажовуз жиноятлар очилишида катта ҳисса қўшди.

Маълумки, жиноят содир етилган ва унга гумон қилинаётган жойларга ашёвий далилларни (нам салфетка, соса сола идиши, нимча, айёллар светири, айёллар лозими, синабандлар, еркаклар ёки айёллар шими, тирикоси, ички кийимлари ҳамда автомобил чихол ва поликларидаги қон доғлари) ўта синчковлик билан кўздан кечириш, уни мавжуд стандартлар асосида сифатли бажарилишини тامينлаш суруштирув-тергов ходимларининг, шунингдек воқеа жойида мутахассис сифатида иштирок этаётган экспертларнинг устувор вазифаларидан биридир.

Биологик хусусиятли текширув учун лабораторияларга суд-тиббий экспертизасининг қойдаларига асосан олиб келиниши зарур. Чунки ашёвий далиллар суд-биология бўлимининг асосий текширув объектлари саналади. Жиноят изларини яшириш ёки йўқ қилиш мақсадида қилинган ҳатти-ҳаракатлар ҳам текширувда албатта аниқланади.

Вилоятда ёшлар орасида содир етилаётган жиноятлар ичида, вояга йетмаганлар содир етган оғир жиноятларнинг 15 % ва ўта оғир жиноятларнинг 33 % мактаб ва коллеж ўқувчиси борлиги барчамизни бирдек ташвишга солмоқда.

Ёшлар орасида содир қилинган номусга тегиш, номусга тажовус жиноятларида олинган қон таҳлиллари шуни кўртамоқдаки, алкоголь ва психатроп воситалар истемол қилган ҳолда номусга тегиш, номусга тажовус жиноятларини содир етиш ко ўрсаткичи 20 % ни ташкил қилмоқда.

Ходиса содир етилган жойлардаги (кийим кечак, простионалар ва бошқалар) доғларни ювиш ва бошқа ҳар ҳил йўл билан йўқ қилишга урунишда доғлар ашёвий далилларда умуман кўринмаслиги ёки уларнинг ранги ўзгариши мумкин. Бундай ҳолатларда, лаборатория шароитида махсус ишончли усуллар билан ашёвий далиллар текширилгандагина уларда доғлар бор ёки йўқлиги аниқланиши мумкин.

### **Адабиётлар рўйхати**

1.2025 йидаги Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сурхондарё филиали давлат экспертлари маълумотлари.

2.К.И. Холматова Дисслосуре оф Сримес Басед он тхе Ресулц оф Ехперт Инвестигатионс он Дефаматион \ \ АМЕРИСАН Жоурнал оф Педиатрис Медисине анд Хеалтх Сиенсес Волуме 2, Иссеу 3, 2024, П-117-118.

3. К.И. Холматова Ресулц оф Ехперт Инвестигатионс он тхе Рапе оф Минор Гирлс. Амалий ва фундаментал тадқиқотлар журналі. Б.- 21-22.